

IMPROVING THE TRAINING MECHANISM WITH DEEPENING OF PEDAGOGICAL SCIENCES IN PRIMARY AND PRESCHOOL EDUCATION

Karimjonov A.

CSPU., Associate Professor of "Primary Education Methodology".

Karimjonova D. A.

CSPU., Teacher of the "Methodology of Preschool Education" Department.

ABSTRACT

In the article, based on the requirements of the current era, measures to improve the mechanism of training highly qualified specialists, i.e. high-potential pedagogues in primary and preschool educational organizations and training them in depth of knowledge, skills and qualifications in subjects, are reflected, in particular, high-quality pedagogues based on the "Development Strategy of New Uzbekistan" great attention is paid to the issue of personnel training.

Keywords: Professional training, in-depth, New Uzbekistan, development, improvement, strategy, primary and pre-school, system, mechanism, quality, retraining of employees, main directions, professional development, goals, development, private sector, results, democratic reforms, pedagogical, highly qualified .

БОШЛАНГИЧ ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГИК ФАНЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН ҲОЛДА ЎҚИТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Каримжонов А.

ЧДПУ., "Бошлангич таълим методикаси" доценти.

Каримжонова Д.А.

ЧДПУ, «Мактабгача таълим методикаси» кафедраси ўқитувчиси.

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳозирги давр талаблари асосида бошлангич ва мактабгача таълим ташкилотларида йуқори малакали мутахассислар яъни йуқорий салоҳиятли педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни билим, кўникма ва малакасини фанларни чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш воситасида механизмини такомиллаштириш чора тадбирлари ўз аксини топган, хусусан “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” асосида юқори сифатли педагог кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Профессионал тайёргарлик, чуқурлаштирилган, Янги Ўзбекистон, тараққиёт, такомиллаштириш, стратегия, бошлангич ва мактобгача, тизим, механизм, сифатли, ходимларини қайта тайёрлаш, асосий йуналишлари, малакасини ошириш, мақсадлар, ривожлантириш, хусусий сектор, натижалар, демократик ислоҳотлар, педагогик, юксак малакали.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон «2017—2021 йилларда бошланғич ва мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 929-сон «Ўзбекистон Республикаси бошланғич ва мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни ҳамда бошланғич ва мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти уставини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга асосан илк ва бошланғич ва мактабгача таълим педагогларини касбий салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, уларни билимини чуқурлаштирилган фанлар орқали такомиллаштириш даражасини кўтариш ва мактаб таълимига тайёрлаш ҳозирги “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ни халқ маорифи олдига қўйилган энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

“Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” асосида бошланғич ва мактабгача таълим муассасалари педагогларини тайёрлаш механизмларини янада такомиллаштириш тақозо этилади. Бунинг учун бизнинг ёндошувимизга кўра, олий педагогик таълим жараёнида үқитилаётган педагогик фанларни чуқирлаштирилган ҳолда ўқитиш механизмини муҳим аҳамиятга эга. Бу уринда мазкур масаланинг тўлиқлига эътиборингизни тортамиз.

1. Үқитилаётган педагогик фанлар воситасида. Олий педагог таълим муассасаларининг бошланғич ва мактабгача таълим йуналиши педагогик уқув фанлари дастурларини тахлил қилиш шуни курсатадики, уларда бошланғич ва мактабгача таълим педагогларига касбий- назарий билим бериш, уларнинг касбий кунукма ва касбий малакаларини шакллантиришга устувор даражада аҳамият берилган. Мисол учун, “Бошланғич таълим педагогикаси” ва “Мактабгача таълим педагогикаси” ўқув фани дастурида талабаларнинг мактаб ва мактабгача таълим назарияси, дидактикаси ва методологияси буйича билим, кунукма ва малакаларини шакллантиришга асосий эътибор қаратилган. Шу жиҳатдан олий педагог таълим жараёнида бошланғич ва мактабгача таълим йуналиши ўқув фанларининг дастурларини Тараққиёт стратегияси асосидан янада такомиллаштириш билан бошланғич ва мактабгача таълим педагогларини тайёрлаш механизмини такомиллаштиришнинг бир усулига эга бўлиш мумкин. Шу жиҳатдан бошланғич ва мактабгача таълим йуналишида үқитилаётган қўйидаги ўқув фанларини дастурларини Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар асосида такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- 1) “Умумий педагогика”;
- 2) “Мактабгача таълим педагогикаси”;
- 3) “Педагогика напзарияси ва таърихи”;
- 4) “Педагогик маҳорат”;
- 5) “Тарбиявий ишлар методикаси”.
- 6) “Тарбия фани ўқитиш методикаси”.
- 7) “Мутахассислик фанлар методикаси”.
- 8) “Нутқ ўстириш фанлар методикаси”.

Мазкур масала буйича бизнингча, қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

- 1) педагогик ўқув фанлари дастурларини Тараққиёт стратегиясида белгиланғанидек замонавий ва янги дунёвий билимлар билан бойитиш;
- 2) такомиллаштирилган дастурлар асосида бошланғич ва мактабгача таълим педагогларини тайёрлаш ва унда таълимнинг 1-3 курслардаёқ талабаларнинг касбий билим, касбий кунукма, ҳамда касбий малакасини тўлуқ шаклантиришга эришиш;
- 3) педагогик ўқув фанлари дастурларида PISA. STEAM каби ҳалқаро таълим дастурларининг қоидаларини акс эттириш билан профессионал бошланғич ва мактабгача таълим педагогларини тайёрлаш.
- 4) педагогик фанларни (педагогика, мактабгача педагогика, педагогика назарияси, педагогик маҳорат ва тарбия ҳамда мутахассислик) ўқитиши жараёнида ўқув ва ишчи дастурларини мавзулар кетмакетлигини ва мавзулар базасини бир-бирига ухшашлик механизмини такомиллаштириш зарур.

Бундай ёндашув олий педагогик таълим жараёнида бошланғич ва мактабгача таълим педагогларини тайёрлаш механизмини такомиллаштиради. Чунки бу билан олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич ва мактабгача таълим муассасалари педагогларини тайёрлаш механизмини ўқув фанларини чуқурлаштирилган тарзда ўқитиши билан такомиллаштириш имкониятига эга бўлади.

2. Қушимча машғулотлар воситасида такомиллаштириш. Олий педагогик таълим жараёнида бошланғич ва мактабгача таълим йуналиши ўқув фанлари буйича қушимча машғулотлар ташкил этиб, унинг воситасида мактабгача таълим педагогларини тайёрлаш механизмини такомиллаштиришга эришиш мумкин. Қушимча таълим – бу ўқув фанлари укитувчилари томонидан талабаларнинг бўш воқтларини ҳисобга олиб, ташкил этиладигон таълим ва тарбия жараёнидир. Бизнинг ёндашувимизга кўра, олий педагогик таълим жараёнида педагогик ва мутахассислик фанлари буйича қушимча таълимни ташкил этишда қўйидагиларга эътибор бериш кутилган самарали беради:

- 1) Тараққиёт стратегиясида белгиланғанедик, қушимча таълим дастурларини сифатли таълим талаблари асосида ишлаб чиқиши;
- 2) ишлаб чиқилган қушимча таълим дастурлари асосида талабаларга педагогик ўқув фанларининг муайян мавзуларини чуқурлаштирилган тарзда ўқитиши;
- 3) қушимча таълим дастурлари асосида бўлажак бошланғич ва мактабгача таълим педагогларнинг компетенцияларини (билими, куниумаси ва малакалирини) тезкор равишида шаклантириш.

Эътибор берилса, қушимча таълим кенг имкониятларга эга. Энг асосийси бундай таълимни асосий мақсади ва вазифаси талабаларнинг касбий куниумаларини шакллантириш ҳамда лаёқатини ривожлантиришдан иборат. (Тадқиқот натижаси бу муаммоларни ечимини акс этиради.)

Қушимча таълим олий педагогик таълим жараёнида бошланғич ва мактабгача таълим педагогларини тайёрлаш механизмини такомиллаштирувчи муҳим таълим – тарбия жараёнидир.

3. Махсус курслар воситасида такомиллаштириш. Олий педагогик таълим жараёнида бошланғич ва мактабгача таълим педагогларни тайёрлаш механизмини такомиллаштирувчи воситаларидан бири махсус курслардир. Махсус курслар олий таълим муассасаси Илмий кенгаши билан келишилган ҳолда ташкил этилиб, улар

воситасида бўлажак мутахассисларга чуқурлаштирилган касбий билим, тарбиявий кунукма ва фаолият малакаси берилади. Шу жиҳатдан бизнингча, маҳсус курсларини ташкил этишда қуидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

- 1) педагогик ўқув фанларининг модуллари буйича Тараққиёт стратегияси талаблари асосида маҳсус курслар ташкил этиш;
- 2) “ Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” асосида бошланғич ва мактабгача таълим муассасалари педагогларини тайёрлаш механизмлари” маҳсус курсини ташкил қилиш орқали натижаларини яққол курсата беради деган умиддамиз.
- 3) тажрибали профессор – уқитувчилар ва амалий фаолиятдаги индивидуал услубларига эга бошланғич ва мактабгача таълим педагоглари иштироқида даврий (бир ҳафтали ёки ун кунлик) маҳсус курслар ташкил этиш.

Бундай маҳсус курсларнинг ташкил этиш воситасида олий педагогик таълим жараёнида бошланғич ва мактабгача таълим педагогларини тайёрлаш механизмларини янада такомиллаштиришга эришиш мумкин.

Умуман, бошланғич ва мактабгача таълим муассасалари педагогик фанларни чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиши воситаси билан тайёрлаш механизмини такомиллаштиришнинг имкониятлари кенг. Бунинг учун олий педагог жараёнида педагогик ва мутахассислик ўқув фанларининг профессори – ўқитувчилари фаол бўлиши тақозо этилади. Эътибор берилса, бу борадаги имкониятлар амалий хусусиятларга эгалиги билан муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Каранг: Ўзбекистон Республика Президентининг 2022 йил 28 январдаги
2. “2022-2026 йилларга мужалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тугрисида”ги Фармони //”Янги Ўзбекистон” газетаси 2022 йил 1 феврал сони.
3. Каранг: Ўзбек педагогик энсиклопедияси. 2-жилд.-Т.,2016
4. Каранг:Ҳасанбоев Ж.ва бошқ.Педагогика фанидан изоҳли луғат.-Т.,2009
5. Педаогика фанидан изоҳли луғат. 470-бет
6. Каримжонов А.,Каримжонова Д.А. “Ўқув муассасаларида меъёрий
7. ҳужжатларни юритиш” Тошкент “ФИРДАВС” 2020
8. Каримжонов А.,Каримжонова Д.А. “Бозӣ ва инкишофи нутқ” дар таълими
9. савод. Тошкент. “Ишонч-ҳамкор” 2021.